


ТОШКЕНТ

ЮННОМИ

Иқтисодий-саноатий шаҳар рўзномаси



Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 99 (8. 041)

1992 йил

21 май, пайшанба

Нархи 1 сўм

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Меҳнат жамоаларида

СИФАТГА ТУРТКИ

ҲОЗИРГИ кунда «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси мурраккаб даврни бошдан кечирмоқда. Бозор иқтисодий муносабатларига асосланган янги-ча усулда иш бошлаш корхонада осон кечмаяпти. Бирлашманинг хом ашё материал таъминотчилари билан бўлган кўп йиллик ҳўжалик алоқалари бузилиши ишининг белгига тегишмоқда.

Лекин бирлашмадаги цех ва фабрикаларда бирор кун иш тўхтаганича йўқ. Тикувчилар имкон қадар ишлашмоқда.

Корхона ўтган йил ва шу йилнинг тўрт ойи бўйича ёмон натижаларга эришганича йўқ. Режалар ҳамма кўрсаткичлар бўйича бажарилиди. Савдо ташкилотларига шартномалар асосида маҳсулот етказиб бериш мажбурияти 100 фоизга бажарилиди. Бирлашмада режаларнинг мунтазам бажарилиши меҳнатчиларнинг иқтисодий ҳимоя қилиниши ахши йўлга қўйиш имконини яратиб берди. Ҳозир ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 1770 сўм 35 тийинни ташкил этди. Кўплаб ишчиларнинг ойлиги 2000 сўмдан ҳам ошиб кетди.

Ишчи-хизматчиларнинг маошини ошириш билан бирга уларга тўланадиган тонов тўловлари ҳам ошиб борди. Дастлабки пайтда корхонада қўшимча тўловлар кўнунга 3 сўмни ташкил этган бўлса, эндиликда ҳар бир кишининг оватланиши учун 10 сўм, транспорт ҳақига ҳар кун 5 сўмдан ажратилапти. Шу тартибда ҳар бир ишчига ойига 340—350 сўмдан қўшимча пул тўланапти. Бундан ташқари бирлашма барча ишчиларга картошка ва пивз харид қилиш учун 300 сўмдан моддий ёрдам кўрсатди.

Бундан ташқари бирлашма яқинда 36 хондонли уйни фойдаланишга топширди. Корхонада кўп йиллардан бери навбатда турганларнинг қарб нечтаси тўққиз қаватли уйда ҳовли тўйларини ўтказишди. Бирлашма жорий йилда Юнусов даҳасида яна бир нечта коттежлар қуришни мўлжалламоқда.

Лекин шу билан бирга таъкидлаш керакки, ҳозир корхонада сифат масаласи ўтир муаммо бўлиб турибди. Кейинги пайтларда корхона тикув маҳсулотларининг баҳоси бир неча баробар ошди. Эркаклар костюм-шымлари ҳозир 1400—1800 сўм туради. Бу нарх ишчининг ўртача ойлик маошига тенг ёни ундай юбориқроқдир. Бундай вазиятда маҳсулот сифатига эътиборини ниҳоятда кучайтириш лозим. Бирлашма маъмурияти яқин кунлар ичида техник назорат бўлими ишини кўриб чиқмоқчи. Бу тadbир келгусида мазкур бўлим ишини яқинлашга ва маҳсулот сифатини юқори кўтаришга туртки бўлади деган умиддамиз.

Ғулом ЮСУПОВ.



Ильдус-Турсун Аҳмедов ота-онаси ишлаётган Ўзбекистон тўқимачилик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасига 1974 йили келган. У шу йиллар мобайнида чилангар-Йиғувчилик касбини пухта эгаллаб олди. Бу ишчилар сулоласининг корхонадаги умумий меҳнат фойдалиги 100 йилдан ошди кетди.

Чандаги суратдаги Олтиний Сажинининг ҳам юқоридаги корхонада ишлаётганига 40 йилдан ошди. Бу меҳнат фахрийси бир неча шоғирларини ҳам етиштирди. Ҳозир уларнинг кўчилиги устозлари билан Ёма-Ўн меҳнат қилмоқдалар.

Андрей Пиниенко суратлари.



БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

20 май кунини Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абдулҳошим Муталов Ўзбекистондаги тўқимачилик биржасига борди. Бош вазир бу ердаги брокерлик идоралари ҳамда олдиди-сотиш ишларининг амалга оширилиши жараёни, МДХ давлатларининг етакчи биржалари билан ахборот айирбошлашнинг таъминлайдиган биржаларо

ҳамкорликда олдиди-сотиш ишларини бажарадиган компьютерлар тармоғи иши билан танишди. Сўнгра Бош вазир биржанинг раҳбар ва мутахассислари билан суҳбатлашди. Шу нарса аён бўлдики, бозор иқтисодий муносабатларига ўтишда талай муаммолар пайдо бўлмоқда. Рисоладаги бозорга йўл очиш, биржа ҳаракатини

юксалтириш учун шарт-шароит яратилган бўлиши керак. Ҳозир бизда истеъмол моллари бозори бор, Эндиликда эркин сармоя бозорини барпо қилиш керак. Унда корхоналар мўлаларга қўйилмаган маблағларини шу бозорга солиб, ундан фойдаланади. Суҳбатда қоронғий сармомия республикага жалб этиш, халқаро суғурта ком

паниялари билан шартномалар тузиш, Европа ва жаҳон халқаро валюта намуналарини билан алоқа бошлаш муаммолари тилга олинди. «Тошкент» биржаси раҳбарларининг фикрича, даромад солиқларини камайтириш, зарар қўраётган корхоналарни хусусийлаштириш йўли билан республика бюджетни камомадининг анча

қисмини қоплаш мумкин. Республика Бош вазир давлат корхоналарини хусусийлаштиришда ҳукуматнинг сисеати аниқ-равшанлигини, уни тизлаштириш кераклигини айтди.

Бош вазир учрашувини якунлаб, бозор иқтисодийга ўтишнинг муқаррарлигини, бунда биржалар ишга қўмаклашиш, ишбилармонларга имкониятлар яратиш даркорлигини уқтирди.

(79А).

ИБРАТЛИ ТАШАББУС

БУТУНГИ кунда тиббий хизмат кўрсатиши янада яқинлаш йўлида тadbиркорлик билан иш қўришмоқда. Айниқса, шифохоналарни зарур аноклар, тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга бўлган талабни қондириш мақсадини кўзлаб амалга ошириладиган амалий ишлар ахши натижа бермоқда.

Шифохоналарга тиббиёт шкафлари етказиб бериш ҳам йўлга қўйилди. Муҳими шундаки, бу хил анокларни чиқаришга «Шарқ» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси яқиндан туриб бош қўшмоқда. Корхонадаги устаклардан бери ана шундай шкафлар тайёрлашга мослаштирилди.

Шунингдек, «Барокам» ра» корхонаси жамоаси ҳам шифохоналарга бу хил бекирим жиҳозларни етказиб бера бошлади. «Кўш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида тиббий асбоб-ускуналарни қўйлаб тайёрлаш режалаштирилди. Бунда корхонанинг «Алгоритм» заводи билан Узаро ҳамкорлиги қўл келди.

Бу ва шунга ўхшаш яна қатор зарур жиҳоз ва асбоб-ускуналарни тайёрлашни йўлга қўйишда Тошкент вилоят «Гибий техника» бирлашмаси ташаббускор бўлмоқда.

Саодат ОДИЛОВА.

«ТУРКИСТОН ҲУНЧАЛАРИ»

ЎЗБЕКИСТОН маданият жағмармаси қошида шундай номдаги бўлим ташкил этилди. Бўлимнинг асосий вазифаси республикадаги иқтисодий ёш санъаткорларни аниқлаб, уларни рағбатлантиришдан иборатдир. Шу мақсадда вақти-вақти билан синовлар ташкил этиб, голийларнинг ўрта Осиё ва Қозғистон республикалари, шунингдек, хорижий мамлакатларга ҳомийлик қилади.

Яқинда мазкур бўлим томонидан Тошкент бастакорлар олийгоҳи, Ўлғиз ва Успенский номидagi болалар мусиқа мактабларининг бир гуруҳ талабалари ўртасида иқидий бахш ташкил этилди. Танловда кларнет, гитжонка, най каби чолғу асбобларида куйлар кўриб этилди. Талабалардан Мансур Саутов, Алишер Абдуғафоров ва Исқандар Музаффаровлар бу синовлар муваффақиятли ўтди.

Собир БОЗОРБОВЕВ.

ЁШЛАР МУАММОСИ МУҲОКАМАСИ

КУНИ кеча Тошкент шаҳар Ёшлар Иттифоқи комитети матбуот маркази навбатдаги йилги ишчи-юшларнинг ўтказишга йўналди. Унда ёшлар орасидаги ишчилик оқибатларини камайтириш, талабаларни қондириш хусусида, талаба-ёшлар уюшмаси қандай бўлиши кераклиги, ўқувчи ёшлар марказий ахборот хизмати каби мавзуларда қизқарли мунозара бўлди.

Юқоридаги мавзулар бўйича шаҳар Ёшлар Иттифоқи комитетининг бош котиби Жаҳонғарал Ҳанимов шундай деди: — Ишчи қолиши мумкин бўлган ёшлар сонини борган сайин кўпайиб бормоқда. Шу сабабдан «Талабаларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва тadbиркорлиги» концернини мавжуд бўлиб, унинг қошида талабаларни ишга жойлаштириш биржаси ташкил этилган. Ҳозирча у талабаларни қўшимча иш билан таъминлаётган бўлса билан таъминлаётган ишчи ёшларини ҳам иш билан таъминлайдиган бўлади.

Ингилишда жумҳурият матбуоти ходимларидан ташқари шаҳар мактаб ўқувчилари етакчилар кенгаши аъзолари ҳам иштирок этишди. Ингилиш сўзида ўзаро мулоқот бўлиб ўтди. Унда матбуот марказининг ишини янада яқин йўлга қўйиш борасида келишиб олинди.

Гуляра ҚОВИЛОВА.

ЭГАЛАРИ КЎЧИБ КИРИШАДИ

ТОШКЕНТ қурилиш бош бошқармасининг 3-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг Туроб Нирмухамедов бошлиқ участка бўйдоқлари яқинда «Госпиталь» бозори яқинида 126 ойлага мўлжалланган икки турар жой биносини қуриб битказди. Ҳар бинирининг умумий баҳоси 2 миллион сўмлик бу қурилиш ишотини ишбони Баҳодир Алимов бригада етакчилари Шухрат Самиев, Александр Явцев бошчилигидаги бинкорлар бир йилда қуриб битказди. Ҳозирги кунда охириги пардозлаш ишлари олиб борилаётганда. Яқин кунларда бинога эгалари кўчиб кирди.

Султонмурод УМАРОВ.

МУҲИМ МАЪРИФИЙ ВОСИТА

БУТУНГИ кунда жумҳуриятнинг мактабларида таҳсил қўраётган тоғлиб илмлар орасида ўта иқтидорли ўқувчи-ёшлар кўп. Улардаги қобилият кўрақларини иш ундириб, иқидий-иқидий иқтидорларини ривожлантириш муҳим руҳий-педагогик кузатишларни кенг қўламада йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги масалалар иқидий ёшларнинг иқидий-иқидий аниқлашга қаратилган қатор яқин тadbирларини амалга оширмоқда. Республика ўқув-услубийт маҳсул марказининг тузилиши бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Янги марказ жумҳуриятнинг районларида руҳий-педагогик диагностикани тadbир қилиш бўйича йирик тadbиротларга ҳам қўл урди. Бунда Термиз давлат муаллимлар тайёрлаш олий билимгоҳи руҳшунослик лабораторияси билан боғланган ҳамкорлик қўл келди. Бошланган ишларнинг яқин орада тугалланиб, амалга етга жорий этилади. Бу кузатиш ўқувчи иқидий-иқидий аниқлашда ўзига хос муҳим услубий восита бўлиб хизмат қилади.

Сағдат ОЛИМОВА.

БИЗГА ҚАНДАЙ МАШИНАЛАР КЕРАК?

ЎЗБЕКИСТОН Журналистлар уюшмасининг Тошкент бўлими ташаббусига қўра Тошкент автомобил йўллари илмгоҳи вакиллари билан рўзномалар журналистларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистонда автомобилсозлик самосаати яратса бўладики ёки йўқ?» мавзудаги масала муҳокама қилинди.

Автомобилсозлик самосаати яратилиб, ривожланмас экан, давлат таракий эъти қолверди, — деди профессор Худойберган Маматов. — Турли давлатларда автомобилсозлик самосаати яқин йўлга қўйилган, таракий эъти сабабли ҳам бошқа тармоқлари ўзидан гурираб кетган. Қайси мамлакатда нефть бўлса, у мамлакат бой давлат ҳисобланади. Биз эса боймиз. Шунинг учун ҳам тез ва жадал суратларда машинасозлик самосаатини ривожлантириш олимизиз керак. Айниқса, бизга, биринчи навбатда қишлоқ хўжалигининг оғирини енгил қиладиган кичик мет-жонга айланттиришимиз керак. Қишлоқ жойларда

қулайлиги шундаки, кичик заводлар (катта-катта заводлар қуришни тўхтатиш керак) кенг ва очiq жойларга қурилиб, ташқи муҳитни зарарсизлантирмайди. «Нима учун енгил машиналар яратиб қўра?» Бу, ҳозирги ривожланишдан ортга чекиниш эмасми?» деган савол туғилиши мумкин. Йўқ, албатта, биз ҳозир етмиш йилдан бери оғир меҳнатда қийналиб, кун кечираётган деҳқоннинг турмушини яқинлаб берсанкина, улар янада кўпроқ ва сифатлироқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб, дастурхонимизни тўқин қилади.

Жумладан бизга автомобиль ишлаб чиқарадиган заводлар эмас, ҳозирча «Йиғув цех» лари керак. Бу тажрибалилар қўшгани мамлакатларда кузатишган: мутахассислар аввал автомобиль қисмларини йиғишни ўрганиб оладилар, кейин эса аста-секилик билан

яқин йўлга қўра бошлайдилар. «Йиғув цех» га ҳам аста-секин валюта тўланади. Бу йилги йил маблағлар хисобига эса кейинчалик кичик заводлар қуриш учун турли имкониятлар туғилаверади. Ҳозирча автомобиль ясаш учун ўзимизда 30 фоиз хом ашё бор.

Бу тadbирларни амалга ошириш учун аввал ишчи-ишчилар билан бошлай керак? Бунинг учун автомобилсозлик самосаати мутахассисларини бир ерга тўлаб, ўзаро келишиб олиб, уларни дунёнинг турли бурчаларига юбориш лозим. Бизга автомобиллар марказларини ташлашда мутахассислардан бошқа ҳеч ким ёрдам беролмайди.

Ушбу жумҳуриятимизга қандай машиналар керак ва қайси корпорациялар бунга ёрдам бера олади? Қишлоқ хўжалигига «Янги» машиналар керак. Тажрибалиларни ўрганиш учун эса «Женерал моторс», «Форд», «Сатурн» корпорацияларида бўлиб, уларнинг иш олиб бориш жараёнини ўрганиш керак. Бизга биринчи навбатда технология, ишлаб чиқариш дастурлари, мутахассислар дардор. Журналистлар билан учрашув ана шундай, саводалардан иборат руҳда ўтганили билан таассуротларга бой бўлади.

Зояр ТУРСУНОВ.

Спорт ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА ИККИНЧИ

ПРАГАДА 100 натақли шашка бўйича халқаро мусобақа ўтказилди. Беллашувда Украина, Беларусь, Ўзбекистон, Россия, Латвия, Эстония, Франция, Германия, Италия, Голландия, Польша ва Чехословачиядан 50 ифдор халқаро усталар беллашди. Биринчи ўринни ағалаш қозонлик спортчи Альберт Ансасовга насиб қилди. У 14 иккониётдан 12 очко жағмарди. Тошкентлик спорт устаси Михаил Шабшай ҳам катта муваффақият қозониб фахрли иккони ўринини эгаллади.

Искан БИРБРАҒЕР.



БУТУНГИ ТОШКЕНТ. Шароф Рашидов йўчасининг бутунги қўришини.

* Футбол

ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ ТУҒИЛДИ

ОЧИҒИНИ айтганда республикада илгарилари футбол биринчилиги ҳақида бунчалик кўп гап-сузлар, тортишулар ва баҳо-мунозаралар бўлмаган эди. Бунинг ўз сабаблари бор албатта. Биринчидан, кўпчилиги учун кутилмаганда, аслида эса вақти-соати етиб бу йил ўзининг 80 йиллигини нишонлайдиган ўзбек футбол тарихида илк бор мустақил биринчилиги ўтказилди. Бу албатта футболнинг тарихига олтин ҳарфлар битиб қўйилган қувончли воқеа. Бироқ, республикамиздаги ўйингоҳларнинг аксарият қисмида тўлмаётгани, баъзи ишчибозларнинг футболдан «совуб» кетганини кўришни ташвишга соймай қўймади. Зеро, айрим ишчибозлар наздида командаларимиз яна аввалгидек Россия жамоалари билан битта биринчиликда куч янашишти керак эди. Ҳолбуки ҳар соҳада ҳақиқий мустақилликимиз бўй кўрсатиб турган, жаҳоннинг юздан ортқ мамлакатлари овоз ўзбекистон Республикасини тан олиб турган бир пайтда спортимиз ҳам мустақил ривожлантиришимизнинг вақти-соати аллаҳча етган эди. Шу ўринда юқоридаги ишчибозлар учун икки оғиз аччиқ, аммо очиқ фикримизни баён этмоқчимиз.

Хўш, ўтган 70 йил ичида «метиндек» мустақам, ҳеч бузилмас Иттифоқ таркибиди ҳаёт спортчиларимиз учун қандай кеҳди, деган саволга жавоб берайлик. Тўғри, бирмунча муваффақиятларга эришдик ҳам. Аммо имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда масалага ёндашсан, аҳолининг бирмунча ўзгача эҳтиёжларини тўғри бўлиши. Чунки, кейинги пайтларда ўзбек спортини кўп қилиб иқтидорлар етишиб чиқди. Бироқ тўғрисида тан олмиш керак, улар маҳоратлари, иқтидорлари, даражасида жаҳон ўйингоҳларида ўз имкониятларини намойиш эти олдилар.

Мисолларга мурожаат этайлик. Ўзбек футболнинг энг иқтидорли ва сермахсул ўйинчиларидан бири, барча хужжатларда унинг тушида орофу қилган Г. Федотов клубининг аъзоси Биродар Абдурамоновнинг чапаястлиги билан бир неча ҳимолчин алаб ўтиш чўт бўлмаган моҳир ва чаққон хужумчи, кейинчалик Грөциянинг бир неча бор энг яхши футболчилари деб тан олинган В. Хадзинпанасларнинг Иттифоқ тарма жамоаси таркибидан бирон марта ҳам яшил майдонга тушмаганини қандай тунуниш мумкин.

Йил-йилларга Грузия ва Болтибўйи республикаларининг мустақил биринчилиги ўтказилганлигини киноя билан тилга олиб келидик. Ҳолбуки, Болтибўйи республикалари бизлардан аввал ФИФА таркибига кириб 1994 йилги жаҳон биринчилиги ўйинларида беллашмиш учун саралаш турнирида куч синишмоқдалар. Биз эса чапак чапай қолавердик. Бизга насиб этгани 1998 йилги жаҳон биринчилигининг саралаш мусобақалари.

Мустақил биринчилик ўтказилишига қарши бўлган айрим ишчибозларнинг фикрича, биринчилигимизнинг савияси бирмунча тушиб кетган. Бу бир жиҳатдан тўғри. Бироқ бу албатта вақтинчалик ҳол. 5—6 йилдан кейин аҳвол ўнгиланб кетиши аниқ. Халқимизда «Эзгуликнинг кеҳи йўқ» деган жуда ажойиб нақл бор. Ахир бугунми, эртани бу ишга албатта қўл уришимиз керак эди. Шундоқ ҳам бу борада 1—2 йилли йўлтуғанимиз аниқ. Қолаверса, Ўзбекистон тарма жамоасининг яқинда-

сади қўйган. Қолаверса, ушбу команда Александр Корчёнов, Дмитрий Ан, Олег Аширов каби марҳум пахтакорчиларнинг ўғиллари муваффақият билан тўп сурмоқда. Кейинги кунларда яна бир қувончли хушxabарининг шоҳиди бўлди.

«Пахтакор—79» га армиячиларнинг спорт клуби мақоми берилиб уни Ўзбекистон миллий мудофая вазирлиги ҳамда «Нур Анвар» банклари ўз оталиғига олди. Шу муносабат билан биз ушбу жамоанинг Президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Зокир ака Турбонов билан мулоқотда бўлдик.

Жамоамиз Ўзбекистонда хизматга қақирладиган футболчилар фаолият кўрсатадиган ҳозирча ягона клуб, дейди Зокир ака. Мақсадимиз жамоага ишларни тўплаб республикамизнинг миллий ҳама олимияни тарма командаларига ўйинчилар тайёрлаб бериш. Шундан келиб чиққан ҳолда айрим командаларга ўхшаб, очкининг кетишдан қувиб турнир жадвалида олдинги ўринларни эгаллашни асосий мақсадимиз дес ҳисобламаймиз.

Тўғри, илгарилари «Пахтакор» учун ўйинчилар етказиб бериш олдинга қўйилган асосий вазифа эди. Ва бизда сабоқ олган Ш. Мақсудов, В. Аллев, М. Аъзамов, В. Дадаматов каби футболчилар ҳозир «Пахтакор»да тўп суринишляпти.

Минг шукрлар бўлсинки, мустақил равишда Ўзбекистон миллий чемпионати ўтказилиши муносабати билан барча командалар тенг ҳуқуқли бўлди. Ўйлашимизки, энди илгаридек етакчи командалар бошқа жамоалардан тайёр ўйинчиларни «тортиб» олишмайди, балки ўзлари ҳам жамоалари қоидаги футбол мактабларини кучайтиришга ҳаракат қилдилар.

Шу жиҳатдан олганда жамоамизга ўрибосарларни тайёрлашга катта аҳамият бераётганимизни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Е. Валикини. «Пахтакор»да ўз маҳоратини оширган М. Ғуломовларнинг ёш чарм тўп усталарига бераётган сабоқларини эъзоб қолмайди, албатта. Бундан ташқари республика олий футбол мактабининг командасида ўзини кўрсатган ўйинчиларини ҳам жамоамизга қабул қилишимиз.

Ҳақиқатан ҳам келгусидаги ўзбек футболнинг тақдирини ҳақида ўйлаганимизда «Пахтакор—79» каби кучли жамоаларнинг етишиб чиқишидан қувонсанг киши. Миллий биринчилик шарафати билан кўпчилиги ўзбек чарм тўп усталарининг яшил майдонда жавлон уришлари учун ҳам қулай имконият туғилди.

Дилшо ИСРОИЛОВ.

МУСОБАҚА ЖАДАВИ

	Ў	Ю	Д	М	Т	Н	О
1. «Сўғдиёна»	9	7	0	2	13	-	7
2. «Темирўлчи»	9	5	3	1	12	-	14
3. «Нуратош»	9	4	4	1	14	-	12
4. «Нефтчи»	7	5	1	1	12	-	3
5. «Пахтакор»	7	5	1	1	13	-	5
6. «Навбахор»	9	4	3	2	9	-	6
7. «Наврў»	10	3	5	2	13	-	11
8. «Кимёгар»	9	3	3	3	10	-	11
9. «Косонсойчи»	9	4	0	5	12	-	10
10. «Пахтакор—79»	8	3	2	3	10	-	12
11. «Мароқанд»	8	3	1	4	10	-	13
12. «Чарчиқ»	10	3	1	6	10	-	16
13. «Трактор»	10	3	1	6	8	-	15
14. «Орол»	8	2	2	4	5	-	7
15. «Шахрихончи»	8	1	3	4	4	-	15
16. «Сурхон»	9	0	5	4	8	-	12
17. «Янгиер»	9	1	1	7	7	-	15



Навбатдаги ҳужум қандай яқинларини... Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРAT ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«БИЗ СИЗНИ СЕВАМИЗ»

— Тельман номли маданият ва истироҳат боғида 31 май соат 11 да бошланадиган шоу-дастурининг номи ана шундай номланади. Ушбу байрамни ташкил этишда Ўзбекистон Республикаси Болалар жамағармаси ва унинг тасарруфидоги корхоналар — «Нафис» кичик корхонаси, «Ния» акционерлик компанияси ҳамда «Чинор» фирмалари яқиндан туриб бош қўшишди.

Кургама — ярмарка ҳамда ёш иқтидорлар билан танишув, машҳур эртақлар ва мультфильмларнинг қаҳрамонлари билан учрашувлар, ҳаваскорлик жамоалари — улар орасида бал рақслар республика мактабининг артистлари ҳам бор, республика кўчирчоқ театрининг ажойиб «Карвонсарой» спектаклининг қаҳрамонлари билан мулоқот — ушбу байрам тадбирларида ҳамийлар ва ишбилармон шериклар (албатта улардан байрам ташкилотчилари турли тақдирлар кутадилар) ҳамда энг замонавий болалар ва ёшлар кийимлари моделларининг кўрик намойишида қатнашишни истаганлардан тортиб умуман, катта ва ёрқин байрамларини соғинган барча кишилар мазза қилиб дам олишлари ҳамда иш юзасидан келишиб олдилари мумкин.

Ҳа, айтгандай «Шаҳарда — ёз», «Бизда таътил» ва «Бувиляримиз либосини эслаб» мавзуларидаги танлов моделларини қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш 29 майда ниҳоясига етди. Имкониятдан фойдаланиб қолинг.

Ўзингизни қизиқтиратган тўла маълумотни эса 32-73-11 ва 62-55-77 телефонлари орқали олишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ПРОФЕССОР М. С. ТУРСУНХУЖАЕВА НОМЛИ ТОШКЕНТ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

1992—1993 ўқув йили учун
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундузги бўлимга: «Ҳамширалик иши» (тиббиёт ҳамшираси) — ўқиш муддати — 1 йилу 10 ой, «Даволаш иши» (фельдшер) — ўқиш муддати — 2 йилу 6 ой.

Кечки бўлимга: «Ҳамширалик иши» (тиббиёт ҳамшираси).

Аризалар кундузги бўлимга — 15 июндан 31 июлгача, кечки бўлимга 15 июндан 15 сентябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимга — 15 июндан 22 августгача, кечки бўлимга — 17 августдан 22 сентябргача ўтказилади.

Биология (оғзаки), она тили ва адабиёти (ёзма) дан кириш имтиҳони топширилади.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида шаҳодатнома (асл нусхаси), 086/У мактабдаги тиббиёт маълумотномаси, 3х4 см. ўлчамли 4 дона фотосурат, меҳнат дафтарчасидан (ишловчилар учун) кўчирма. Паспорт ва ҳарбий билет (ҳарбий хизматга қақирилувчилар учун) шахсан кўрсатилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов ноҳияси, Озод кўчаси, Культиватор торкўчаси, 16-уй (11, 28, 31, 64, 95, 47-автobуслар; 4, 8, 20-троллейбуслар; 7, 15, 16-трамвайларнинг «Марказ-26» мавзеси) бекати). **ТЕЛЕФОН:** 44-32-25.

Қйрай ноҳия халқ таълими бўлими қобилиятли болаларни Улугбек номи 45-кўп йўналишли махсус мактаб-олийгоҳининг 10-синфига фақат «яхши» ва «аъло» баҳолар билан олийгоҳнинг тайёрлов бўлимига

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш соҳалар бўйича ўзбек тилида олиб борилди. Бу ўқув даргоҳига кирувчилар Тошкент тиббиёт олийгоҳи, Техника дорилфунуни, Тошкент Темир йўл транспорти муҳандислари, Шарқшунослик, Архитектура ва қурилиш олийгоҳларининг комиссиялари иштирокида олинган ёзма иш асосида

ОЛИЙГОҲ ҚАБУЛ ҲАҲЪАТИ ИШТИРОКИДА

синов-кириш имтиҳонларини топширадилар.

Тошкент тиббиёт олийгоҳига кирувчилар кимё, биология, она тилидан (ёзма), Темирйўл транспорти муҳандислари олийгоҳи, Техника дорилфунуни, Архитектура ва қурилиш олийгоҳларига кирувчилар физика, математика, она тилидан (ёзма), Шарқшунослик олийгоҳига кирувчилар инглиз тили, биронта шарқ тилидан (ёзма) имтиҳон топширадилар.

Ҳужжатлар 1992 йил 1 июндан 1992 йил 27 июнгача қабул қилинади.

Олийгоҳга кирувчилар учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: олийгоҳ ректори ва «мактаб-олийгоҳ» директори ариза, 9-синфни битирганлик ҳақида гувоҳнома, туғилганлик тўғрисида гувоҳномадан кўчирма, тиббий маълумотнома, 5х6 см. ҳажмидаги расм.

Кириш имтиҳонлари 1 июндан 16 июлгача ўтказилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент вилояти, Қйрай ноҳияси, «Турон» (Коммунист) жамоа хўжалиги, 45-«мактаб-олийгоҳ» биноси. **ТЕЛЕФОН:** 67-886. **Автobуслар:** 491, 167, «Қйрай-Гулистон» «Турон» (Коммунист) жамоа хўжалиги идораси) бекати).

«Қйрай-Селекция» автobусининг «Турон» (Коммунист) бекати.

Маълумотлар олиш учун Қйрай ноҳия халқ таълими бўлими (телефон 61-244)га мурожаат қилинсин...

ЎЗБЕКИСТОНДА

БИРИНЧИ МАРТА!

БОЗОР ШАРОИТИДА МУРАКҚАБ ҲАЁТ

ЙУЛИГА ҚАДАМ ҚУЯЕТГАН

ФАРЗАНДЛАРИНИНГ КАСБ ТАНЛАШ

ТАШВИШИНИ ЧЕКАЕТГАН ОТА-ОНАЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Яхши шарт-шароитга эга бўлган ва юқори ҳақ тўланадиган доимий ишга танлов асосида қабул қилиш учун даввогарлар олдида ўз мутахассислиги бўйича юксак тайёргарлик талаби қўйилади. Бунда ўз хунарини ҳар томонлама пухта эгаллаганларга алоҳида эътибор билан қаралади.

Тошкент шаҳридаги мавжуд 8, 14, 17, 41, 43-хўнара-техника билим юртлири заминида 9 ёки 11-синфларни битириб чиққан ёшларнинг ҳар томонлама яхши мутахассислар бўлиб етишишлари учун имкон берадиган «УНИВЕРСАЛ» хўнара-техника билим юртлири АССОЦИАЦИЯСИ ташкил этилган. У тақомиллаштирилган уч йиллик дастур асосида иш юртади ва кўп қиррали мутахассисларга энг зарур бўлган эҳтиёжларни назарда тутди. Шунингдек хўнара-техника билим юртлири ассоциациясини битириб чиқувчиларини ишга жойлаштириш қақиллигини олади ҳамда энг юқори иш ҳақи олиш имкониятини мустақамлайди. Ишга танловли қабул синовидан ўтиш ўқувчининг қобилиятини юксалтиради.

Ўқув-ўқитув ишлари бюджет ҳисобидан ва қисман тижорат асосида ўқувчилар маблағи, шунингдек корхона ва ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга оширилади.

1992—1993 ўқув йилида «Универсал» хўнара-техника билим юртлири ассоциацияси қуйидаги турдош мутахассисликлар гуруҳлари бўйича танловли қабул ўтказди:

«С» тоифали ҳайдовчи, техника хизмати авточилангари; «С» тоифали ҳайдовчи, электр пайвандчи, чилангар-сантехник; «С» тоифали ҳайдовчи, автотокран машинисти, техника хизмати авточилангари; «С» тоифали ҳайдовчи, техника хизмати авточилангари, кенг қўлмали станокчи; «С» тоифали ҳайдовчи, техника хизмати авточилангари, дурадгор-уста. «С» тоифали ҳайдовчи машинист-бульдозерчи, техника хизмати авточилангари.

Ҳужжатларни 8-хўнара-техника билим юрти қуйидаги манзилгоҳда қабул қилади: У. Юсулов кўчаси, Авиация тор кўчаси, 10-уй, «Парвоз» кафесининг рўпарасида; 18, 48 «э», 97-автobуслар; 10, 23, 27-трамвайлар; 10-троллейбус.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-38-22, 41-75-54.

ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОИИДА

30, 31 МАЙ СОАТ 16 ВА 19 ДА

ОБИД АСОМОВ

«БИРГА БЎЛСАК ОЛАМ ГУЛИСТОН»

янги қизиқарли дастурини

сизга ҳавола қилади

Томошада:

ШАҲБОЗ,

ШОҲРУҲ ВА МОҲИНУР

НИЗОМИДДИНОВЛАР

«ТОШ—КЕНТ» гуруҳи

«Ўзбекистон қизлари» раққосалар ансамбли ва сеvimли эстрада хонандалари қатнашадилар.

Чипталар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг оммавий талабномалари 15 майгача 56-76-97, 56-85-76 телефонлари орқали қабул қилинади.

«Саховат» Тошкент

пойабал корхонаси

ортопедик

пойабалчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи — ишбай-муқофоти.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700047, Тошкент, Ҳамза району, 3-Жуковский б-ши берк кўчаси, 20-уй (5, 7-троллейбуслар; 13, 25, 27-трамвайлар; 10, 21, 28, 30, 48, 71-автobусларнинг «Успенский номи мактаб» бекати).

Телефон: 33-13-66.

Ўзбекистон Болалар жамағармаси

АВЕКМ — СВР

Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик жамағармаси

«NURSE»

акционерлик компанияси

«ЭНАГА» болалик сервис хизмати

Сиз ишсиз қолдингиз ёки кўшимча даромад топиш имкониятини излаясиз, дейлик?

ТУШКУНЛИККА ТУШМАНГ!

Биз Сиз учун ҳозирги мураккаб танглик даврида ҳам талаб катта бўлган иш топиб беришимиз мумкин.

Бугунги кунда энг оммабоп касблардан бири — ЭНАГАЛИКДИР.

Болаларни сеvuвчи ва улар билан ишлашни хоҳлайдиган барчани ҳамкорликка чорлаймиз.

КОМПАНИЯ:

● турли ёшдаги болаларни парварши қилиш;

● сайрга олиб чиқиш;

● беморга қараб туриш сингари ҳар хил йўналишдаги ЭНАГАЛАРНИ тайёрлайди.

Биз Сизга ўзингиз учун қулай бўлган иш тартибидан, меҳнатингизга шартнома асосида соат-ба-соат тўланадиган иш топишга ёрдам берамиз.

Ишлаш учун 18 ва ундан катта ёшдаги барча хоҳловчилар танлов асосида тақлиф этиладилар. Ўқиш муддати — 2 ҳафта.

● Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-83-77, 32-58-13, 32-53-43.

«NURSE»

Акционерлик компанияси

Сизга ёрдам беришдан беҳад мамнундир!

«РЕСУРС»

хўжалик ҳисобидаги бошқармаси қоидаги

«ТИЖОРAT МАРКАЗИ КИЧИК КОРХОНАСИ Республика ва Тошкент шаҳар аҳолисини

Фарбий ва Шарқий Европа, Осё давлатлари бўйлаб саёҳатга чорлайди.

Сафарга жўнаш ҳужжатларини расмийлаштириш, самолёт ва темир йўл билетларини сотиб олиш, борилаётган мамлакатда икки маҳал овқатланиш билан боғлиқ барча муаммоларингизни бизга қўйиб беринг.

Саёҳат учун совет сумларидан ва эркин муомаладаги валюта билан ҳақ тўланади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700152, Тошкент шаҳри, А. Икромов району, 22-мавзе, 13-уй. **Телефон:** 74-89-06.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР:

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кунини ўзбек тилида чиқарилади.

ТЕЛЕФОНЛАР:

қабулхона — 32-53-76,

катлар — 33-29-70, 32-53-79;

эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун маъмурият уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқий наشريёт-матбаачилик концерни. 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўнонамаси кўчаси, 41.